



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2019 йил 9 январь, № 4 (7234)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 январь куни жорий йилги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Фаол инвестиция сиёсати барқарор иқтисодий тараққиётга эришсингиз энг муҳим шартларидан биридир. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йил мамлакатимизда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилинди.

2019 йилги Инвестиция дастурига 16,6 миллиард долларлик 3 мингдан зиёд лойиҳалар киритилган. Бу 2018 йилдагига нисбатан 16 фоиз кўпдир. Жумладан, жорий йилги Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,2 миллиард доллар бўлган 140 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топширилган режалаштирилган.

Видеоселектор йиғилишида ушбу йирк ва муҳим лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, хорижий давлатлар ва инвесторлар билан фаол иш олиб борилаётгани натижасида жами инвестицияларнинг 25 фоизини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этмоқда. Хусусан, жорий йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 320 та лойиҳа доирасида 4,2 миллиард доллар ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Президент тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни сўзсиз амалга ошириш, чет эллик инвесторларга ҳар томонлама ёрдам бериш ҳукуматнинг энг муҳим вазифаси бўлиши кераклигини таъкидлади. Инвестицияларнинг асосий қисmini ўзлаштиришни йилнинг охирига ойларига суриш амалиётига чек қўйиб, барча тармоқлар ва ҳудудларда бунини биринчи ярим йилликда камда

35 фоизга, тўққиз ойликда 70 фоизга етказиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борадаги вазифалар Вазирлар Маҳкамаси комплекслари бўйича таҳлил қилинди. Хорижий инвестициялар улуши ўтган йилдагига нисбатан камайган соҳа ва тармоқлар кўрсатиб ўтилди. Йил охирига қадар қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, уларни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга талаб юқори бўлган соҳа ва ҳудудларга йўналтириш, ушбу ресурсларнинг ўзлаштирилишини назоратта олиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу борадаги ишлар натижасида ўтган йили 1 миллиард доллардан зиёд инвестициялар ўзлаштирилган, 133 та янги корхона ишга турилган. Бироқ ҳокимлар ва уларнинг инвестиция бўйича ўринбосарлари ишни ташкил этмишда камчиликларга йўл қўйгани оқибатида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида айрим объектлар фойдаланишга топширилмай қолган.

Давлатимиз раҳбари бундай лойиҳаларда юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқиш ва ижросини назоратта олиш юзасидан топшириқ берди.

Жорий йилда тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокида 209 та ҳудудий лойиҳа амалга оширилиб, 1,9 миллиард доллар ёки ўтган йилдагига нисбатан 2 баробар кўп маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. Йиғилишда шу ва мамлакатимиз элчилари кўмагида шакллантирилган қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳар бир ҳудудга республика идоралари раҳбарлари масъул этиб бириктирилди.

Эндиликда ҳудудлар ва тармоқларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар кўламини кенгайтириш, уларни амалга оширишда қатъий назорат механизминини ўрнатилиш учун янги тизим ташкил этилиши маълум қилинди. Унга мувофиқ:

Биринчи — вилоят ҳокимлари ҳар ҳафтада биттадан туман ёки шаҳарга бориб, элчилар билан алоқа ўрнатган ҳолда, у ерга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш чораларини кўради. Ҳудуди шундай тармоқ раҳбарлари ҳам ҳар ҳафтада битта вилоятга бориб, ўша жойдаги корхоналари билан бирга амалдаги лойиҳаларни бажаришни жадаллаштириш ва қўшимча инвестиция лойиҳалари бўйича ишни ташкил этади. Зарур ҳолларда маҳаллий раҳбарлар ва тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишни ўргатади. Бош вазир ва унинг ўринбосари элчилар иштирокида ҳудудлар ва тармоқларга жалб қилинган хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолатини мунтазам муҳокама қилиб боради. Натижаларига қараб, ҳокимлар ва тармоқлар раҳбарлари рағбатлантирилади ёки уларга нисбатан иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди жарима қўлланади.

Ҳудудларга бириктирилган республика идоралари раҳбарлари вилоят ҳокимлари ва элчилар билан биргаликда ҳар бир туман (шаҳар)да тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳолатини ўрганиб, уларнинг ижросини жадаллаштириш бўйича аниқ чоралар кўради. Шунингдек, қўшимча лойиҳалар бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ва хорижий инвесторларни жалб қилади.

Иккинчи — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳудудлар ва тармоқларнинг инвестиция лойиҳалари бўйича тақлифларини умумлаштириб, самарадорлигини баҳолайди ва ягона электрон «онлайн» базани шакллантиради.

Учинчи — Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ҳудудларга бириктирилган элчилар ягона электрон базани шакллантириш учун ҳар йили барча ҳудудларда камда бир марта хорижий сармоядорлар иштирокида инвестиция форумлари ўтказиши, шунингдек, хориждаги йирик халқаро инвестиция форумларида юртимиз тадбиркорлари иштирокини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи ишлар вазирлигига жорий йилда ҳудудларда ташкил этиладиган инвестиция форумлари режа-жадвалларини шакллантириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Энг муҳими, инвестиция лойиҳаларини тўғри жойлаштириш керак. Бу борада инвесторларнинг ягона талаби — лойиҳа мўлжалланган жой зарур инфратузилма тармоқларига эга бўлишидир. Шунинг учун яқинда урбанизация жараёнини тақомиллаштириш бўйича Президент қарорини қабул қилдик. Бундан асосий мақсад — инфратузилма мавжуд ва ривожланиши кулай бўлган жойларга инвесторлар жалб қилинса, sanoatning тизимли ривожланишига эриша оламиз. Sanoat бор жойда иш ўринлари ва даромад бўлади, уй-жойлар, ижтимоий объектлар, шаҳарчалар барпо этилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йиғилишида яна бир муҳим масала — хорижий инвесторлар лойиҳасини давлат то-

монидан қўлаб-қувватлаш масаласи муҳокама қилинди. Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, хорижий инвесторларни қўлаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда тижорат банклари хорижий банкларнинг жами 740 миллион доллар тўғридан-тўғри кредитларини жалб қилиши белгиланган. Йиғилишда узоқ муддатли, паст фойдали тўғридан-тўғри хорижий кредит ресурсларини жалб қилиш ишларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокида ишончли лойиҳалар портфелини шакллантириб бориш тизимини яратиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Жорий йилда 84 та лойиҳа доирасида халқаро молия институтлари ва донорларнинг 2,7 миллиард доллар маблағини ўзлаштириш кўзда тутилган. Йиғилишда бу лойиҳалар Вазирлар Маҳкамаси комплекслари қесмида таҳлил қилиниб, уларни ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бундан ташқари, 2 800 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектини қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари халқимизнинг ҳаёт сифатига дахлдор бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, соғлиқни сақлаш объектилари, йўллар, ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича белги-ланган ишларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Видеоселектор йиғилишида Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар ижросини ташкил этиш юзасидан қурилаётган чоралар ҳақида ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва вилоят ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Баъзи давлат органларининг фаолияти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги 746-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда) **54-моддаси** «республика бюджети» деган сўзлардан кейин «ҳамда прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **24-модданинг биринчи қисми:** қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тегишсиз ҳудудий адлия бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) адлия бўлиmlлари бошлиқларининг ахборотини эшитиш»;

ўн бешинчи — ўн еттинчи хатбошлари тегишсизча **ўн олтинчи — ўн саккизинчи хатбоши** билан деб ҳисоблансин;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда ҳудудларни секторларга бўлиб ишни ташкил этиш тизимининг жорий этилганлиги халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишига имкон яратди.

Шу билан бирга, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда секторлар деб юритилади) фаолияти мониторингини бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан:

биринчидан, секторлар фаолиятида аниқланган муаммоларни бартараф этиш ҳамда сектор аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиришда сектор раҳбарларининг зарур ташкилий ва молиявий ваколатларга эга эмаслиги секторларнинг тўлиқ фаолият юритишида ҳамда муаммоларни ўз вақтида ҳал этишда қийинчиликлар туғдирилмоқда;

иккинчидан, республика миқёсида секторлар иштини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи ягона тизимнинг мавжуд эмаслиги секторлар фаолияти бошқарувида тарқоқликни юзага келтирмоқда ҳамда ҳудудларда секторлар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари нормаларининг турлича талқин қилинишига олиб келмоқда;

учинчидан, секторларда ўрганилган натижаларни умумлаштирилмаётганлиги, статистик ҳисоботларни юритиш амалиёти ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилмаганлиги амалга оширилган ишларни аниқ сарҳисоб қилишга ва муаммоларни тизимлаштиришга имконият бермаётгани;

тўртинчидан, секторлар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тартибининг мураккаблиги, тизимли равишда улар малакасини ошириш механизмининг жорий этилмаганлиги, сектор аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантиришининг йўлга қўйилмаганлиги улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

(Давоми 3-бетда).

БИЗ ва ЖАҲОН

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КАТТА ЮТУҒИ ОЧИҚ ТАШҚИ СИЁСАТ ЮРИТИБ, ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ФАОЛ ҲАРАКАТ ҚИЛАЁТГАНИДИР»

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида олиб борилаётган ислохотлар дунё ҳамжамияти эътиборини тортмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг бошқа давлатлар билан ҳамкорликни мустақамлаш йўлидаги ташаббуслари сиёсатчилар, «ақл марказлари» мутахассислари, экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилапти. Қуйида Миср Араб Республикасининг кўзга кўринган вакиллари фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.



Муҳаммад МЕҲРСАВИЙ, Ал-Азхар университети ректори:

Муҳаммад Таййибни қабул қилиб, ўтказган мулоқоти самарали бўлди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Ал-Азхар университети ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий номидидаги халқаро илмий-тадиқот маркази ва бошқа муассасалар ўртасида таълим ҳамда илмий лойиҳаларни ривожлантириш, диний ҳодимлар малакасини оширишга қаратилган амалий ишлар бошлаб юборилди. Ал-Азхар ва Ўзбекистон ўртасида имзоланаётган

«йўл харитаси» мамлакатларимизнинг илмий, маданий ҳамда диний таълим соҳасидаги салоҳиятини янада оширишга сабаб бўлади. Унга қўра, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини йўлга қўйиш, конференциялар ўтказиш, биргаликда дарсликлар, илмий адабиётлар тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси Миср ҳамда Ўзбекистон муносабатларини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Абдурахмон МУСО, Ал-Азхар мажмуаси раҳбарининг ташқи алоқалар бўйича маслаҳатчиси:

— Ўзбекистон билан алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан мамнунмиз. Бу — Ўзбекистон Президенти томонидан олиб борилаётган очик ташқи сиёсат, халқаро ҳамжамият билан манфаатли ҳамкорлик, ижтимоий барқарорликни мустақамлашни назарда тутувчи оқилона сиёсат самараси, деб ҳисоблайман. Ўзбекистонга амалга оширган ташриффимиз чоғида мамлакатдаги катта ўзгаришлар, турли миллат ва динга мансуб аҳолининг ўзаро аҳил-инок

яшаётганини кўрдик. Барчамизни қувонтирадиган воқеа ҳақида тақдор ва тақдор айтсак арзийди. Яъни БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан «Мазрифат ва диний баркиренлик» резолюцияси қабул қилингани тарихий воқеадир. Бу Ўзбекистон раҳбариятининг жаҳонда динлараро баркиренлик, тинчлик-тўтувликни таъминлашга қаратилган ҳаракатининг амалий ифодаси саналади. Ўзбекистон Президенти-



нинг ушбу ташаббуси Миср халқининг ҳам бош мақсади ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқи Миср халқини, мисрликлар эса ўзбекистонликларни жуда яхши кўради.

«ҲАРБ ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ФИКРИЧА, ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОХОТЛАРДА ҚАТЪИЙ ВА БУ ЭЪТИРОФГА САЗОВОР»

Президент Шавкат Мирзиёевнинг парламентга йўлаган Мурожаатномасини халқимиз билан бир қаторда, хориждаги ватандошлар ҳам катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутиб олди. Хусусан, АҚШдаги элчихонамизда ушбу сиёсий тадбир тўғридан-тўғри намойиш этилди. Унда бевосита қатнашган «Америка овози» телерадиоси мухбири Навбахор ИМАМОВА ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг йил охирида Олий Мажлисга Мурожаат қилиши, шу тариха халққа ҳисобот бериши аниҳана айлиб бормоқда. Айтиш жоиз, бундай сиёсий тадбирлар қўлаб мамлакатларда бор. Масалан,

АҚШда Президент ҳар йили январь ойида Конгресс ҳузурига боради ва ўтган бир йил ичида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган ҳатолар, мавжуд камчиликлар ҳақида гапиради ҳамда янги йилдаги мақсадларини изоҳлаб беради.

СТИКЕР ЎРНИГА ЯНГИ ПАСПОРТ

Жорий йилнинг 1 январидан хорижга чиқиш учун руҳсат берувчи стикер (ОВИР) бекор қилинди. Эндиликда унинг ўрнига хорижга чиқиш паспорти жорий этилди. Айни пайтда 2011 йилги намунадаги биометрик паспортга эга фуқаролар чиқиш визаси талаб қилинмайдиган давлатларга чиқишлари мумкин. Шунингдек, 2021 йил 1 январга қадар чиқиш стикери билан ҳам узоқ хориж давлатларига бориш имконияти сақлаб қолинади.

Бу ҳақда Тошкент шаҳар ИИББ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи Қудрат ЙЎЛДОШЕВ мухбиримизга батафсил маълумот берди.

— Пойтахтимизда хорижга чиқиш ва биометрик паспорт бериш учун ҳар бири кунига 180 — 200 фуқарони қабул қилиш имкониятига эга ускуналар ўрнатилган 12 та пункт ташкил этилади, — дейди у. — Хусусан, келгусида бундай пунктлар сони янада кўпайиши мумкин. Соғлиғи сабабли келолмайдиган фуқаролар учун эса махсус мобил станциялар хизмати жорий этилади. Мамлакатимиз фуқароларининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти тўқ қизил рангда бўлиб, 48 бетга эга. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортидан 18 виза бетларига кўпайтирилган.

3

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИБаъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши
муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

⟨(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

2) куйидаги мазмундаги **25³-модда** билан тўлдирилсин:

«25³-модда. Халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишинча ҳудудий адлия бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари бошлиқларининг ахборотини эшитиш

Худудий адлия бошқармаларининг бошлиқлари ҳар ярим йиллик якунлари бўйича тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига жойлардаги норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Худудий адлия бошқармаси бошлиғининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қарори қабул қилиниб, қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилади.

Туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг бошлиқлари ҳар чоракда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Туман (шаҳар) адлия бўлими бошлиғининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қарори қабул қилиниб, қарор худудий адлия бошқармасига юборилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс**и (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар) **245²-моддасининг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вазирлиқлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритилганлиги факти аниқланганда адлия органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Наслчилик тўғрисида»**ги 165–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 255-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **15-модданин иккинчи қисмидаги** «Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модданин биринчи хатбошисидаги** «Қишлоқ ҳўжалик фанлари академияси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган **«Селекция ютуқлари тўғрисида»**ги 270–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 395–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 156-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда) **4-моддасининг учинчи қисмидаги** «Қишлоқ ҳўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузурдаги Қишлоқ ҳўжалик экинлари навларини синаш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»**ги 474–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 474-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар) **4-моддасига** куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

ўн учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар тегишинча **ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»**ги 543–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрда қабул қилинган ўРҚ–409-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 274-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданин матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **11-модданин:** **«Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг»** деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитасининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги ва иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **21-модданин иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **24-модданин учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **41-модданин иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **42-модданин матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **45-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Жайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»**ги 545–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрда қабул қилинган ўРҚ–408-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 273-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданин матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **11-модданин:** **номидаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг»** деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитасининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги ва иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **18-модданин матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **22-модданин учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 82-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **34-модданин биринчи қисмидаги** «қишлоқ ва сув ҳўжалиги» деган сўзлар «қишлоқ ҳўжалиги, сув ҳўжалиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **44-модданин иккинчи қисмидаги** «Қишлоқ ва сув ҳўжалиги» деган сўзлар «Сув ҳўжалиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган **«Ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги 670–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда) **23-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекс**и (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 673, 676-моддалар) **133-моддасига** куйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Уй-жой объектнинг манзили бўйича доимий прописка қилинган вояга етган жисмоний шахслар электр таъминоти, газ таъминоти, сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятлар юзасидан қонун ҳужжатларига

ва коммунал хизматларни етказиб берувчи (бажарувчи) корхоналар билан тузилган шартномаларга мувофиқ солидар жавобгар бўлади»;

учинчи ва тўртинчи қисмлар тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги 160–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ўРҚ–342-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **22-модданин учинчи ва тўртинчи қисмлари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси тегишли адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси давомида мазкур лойиҳаларнинг уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарлиқлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асосис харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий чекловларни ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нўқтаи назаридан таҳлилини ҳам амалга оширади»;

2) **23-модданин:**

биринчи қисми «қабул қилувчи органга» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза якунлари бўйича хулосаси ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳуқуқий экспертиза якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хулосаси мавжуд бўлган тақдирда қўриб қилилади».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда) **7-моддасининг учинчи қисмидаги** «ахборот ва коммуникация технологиялари» деган сўзлар «инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»**ги 523–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 7, 431-модда) **32¹-моддасига** куйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

куйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Сенат ҳар йили Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахборотини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасида дастлабки тарзда қўриб чиққан ҳолда эшиттади»;

тўртинчи – олтинчи қисмлар тегишинча **бешинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»**ги 710–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 14-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **17-модданин олтинчи қисмидаги** «қишлоқ ва сув ҳўжалиги» деган сўзлар «сув ҳўжалиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **34-модданин иккинчи қисмидаги** «қишлоқ ва сув ҳўжалиги» деган сўзлар «қишлоқ ҳўжалиги ва сув ҳўжалиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **40-модданин бешинчи қисмидаги** «қишлоқ ва сув ҳўжалиги» деган сўзлар «сув ҳўжалиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **41-модданин тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги** «қишлоқ ва сув ҳўжалиги» деган сўзлар «сув ҳўжалиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ўРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекс**и (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 263-

ҲУКУМАТ МОБИЛЬ АЛОҚАСИ

ТИЗИМИДАН КИМЛАР ФОЙДАЛАНАДИ?



Рақамли иқтисодиёт, блокчейн, инновацион ечимлар... Мазкур тушунчалар бугун ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб борапти. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларида рақамли технологияларнинг жадал суръатларда татбиқ этилишини таъминлаб, инвестициялар оқимини оширмоқда. Асосийси, аҳоли учун қулайликлар яратилапти. Бироқ ахборот хавфсизлиги ҳақида ҳам унутмаслик лозим. Нега дейсизми?

Ҳукумат корпоратив мессенжери — "UzChat"га улашиш учун махсус ҳуқуқ берилишидадир. Мазкур илова Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан тайёрланган бўлиб, у мессенжерлар борасида илк инновацион ишланмадир.

Лойиҳа барча зарур функцияга эга бўлиб, улардан хорижда бўлган фуқаролар ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин. Масалан, "UzChat" дастури орқали жамоавий видеоконференцияларни ташкил этиш ва бунда гуруҳ қатнашчилари сони 256 нафаргача этиши мумкин. Мессенжер орқали юбориладиган маълумот, овоз ҳамда видеолар криптографик ҳимояга эга бўлиб, Ўзбекистон ва унинг ташқарисидан конфиденциалликни таъминлайди.

— Абонентлар учун алоқани ташкил этишда Ўзбекистон ҳудудида жойлашган сервердан фойдаланилади ва абонентларнинг мулоқот трафикалари мамлакат ташқарисига чиқиб кетмайди, — дейди Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агент-



лиги бош мутахассиси Темур Солиев. — Сервердаги маълумотлар шифрланган ҳолда сақланиб, ҳаттоки, мессенжер администратори ҳам мазкур ахборотни кузата олмайди.

2019 йилнинг 1 апрелидан эътиборан ҳукумат мобиль алоқаси тизимидан фойдаланиш давлат органлари, ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари,

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ходимлари учун ўз хизмат вазибаларини бажаришда фойдаланиши мажбурий ҳисобланади.

— Ушбу тизимнинг илк фойдаланувчилари банкнинг ходимлари бўлди, — дейди Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси ўринбосари Азамат Курамбоев. — Унинг имкониятлари ва қулайликлари кўп. Масалан, ходимлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш, муҳими, маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Қолаверса, телекоммуникация хизматларига сарфланадиган бюджет маблағларини тежайди.

Ҳукумат мобиль алоқасининг кенг жорий этилиши юқори даражадаги хавфсизлигини давлат миқёсида қафолатлаш имконини беради.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Олдимизга қўйилган эзгу мақсадларни амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири, бу — хавфсиз коммуникацион платформанинг татбиқ қилиниши билан чамбарчас боғлиқ. Бунинг учун эса юртимизда ҳукумат мобиль алоқаси тизимини яратиш гоята долзарб. Бу борадаги сайёҳаракатлар Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан янада ривожланидиган бўлди.

Айтиш жоизки, ҳукумат мобиль алоқаси тизимини қўллаш доирасида ҳозирги вақтда "UMS" мобиль оператори томонидан махсус тариф режалари ишлаб чиқилмоқда. Улар йиллик абонент тўлови асосида ўз ичига ойлик дақиқа, мегабайт ва "sms"ларни қамраб олади. "UMS" компаниясининг тажрибасидан маълумки, мазкур ечим фойдаланувчилар нўқтаи назаридан қараганда ҳамёнбон, фойдали ва қулайдир.

— Ҳукумат аъзолари ҳамда давлат органлари ходимларини мобил алоқа билан таъминлаш

"UMS" мобил алоқа оператори фаолиятининг стратегик йўналишларидан саналади, — дейди "Universal Mobile Systems" МЧЖнинг тижорат ишлари бўйича директори Лола Филатова. — Мазкур янгилик доирасидаги тариф режаларини жорий этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Давлат органлари ходимлари ушбу тизимга босқичма-босқич уланадилар.

Ҳукумат мобил алоқаси тизимининг муҳим хизмати абонентлар-

- ✓ Ҳукумат мобил алоқаси тизими ишга туширилади.
- ✓ Ҳозирги кунда "UMS" мобил оператори томонидан махсус тариф режалари ишлаб чиқилмоқда.
- ✓ Ҳукумат корпоратив мессенжери — "UzChat" дастури орқали жамоавий видеоконференцияларни ташкил этиш мумкин.
- ✓ Мессенжер орқали юбориладиган маълумот, овоз ва видеолар криптографик ҳимояга эга.
- ✓ 2019 йилнинг 1 апрелидан эътиборан ушбу тизимдан фойдаланиш давлат органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ходимлари учун ўз хизмат вазибаларини бажаришда фойдаланилиши мажбурийдир.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Фарғона вилояти бошқармаси билан 2018 йил 9 ноябрда тузилган 243/2018-05-сонли шартномага асосан <https://www.e-aukcion.uz> электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 17, 23, 28 ва 30 январда** ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Фарғона вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами	Аукцион ўтказиладиган сана
1.	«УАЗ 31512-010»	1987	40 458 LAA	32750	17.01.2019 й.
2.	«УАЗ 31512-010»	1988	40 642 BAA	32756	17.01.2019 й.
3.	«УАЗ 31512-010»	1989	40 290 HAA	32751	17.01.2019 й.
4.	«УАЗ 31512-010»	1989	40 449 BAA	32755	17.01.2019 й.
5.	«УАЗ 31512-010»	1990	40 250 KAA	32757	17.01.2019 й.
6.	«УАЗ 31512-010»	1993	40 744 HAA	32752	17.01.2019 й.
7.	«УАЗ 31512-010»	1993	40 457 LAA	32759	17.01.2019 й.
8.	«УАЗ 31512-010»	1993	40 631 DAA	32760	17.01.2019 й.
9.	«УАЗ 31512-010»	1996	40 752 HAA	32758	17.01.2019 й.
10.	«УАЗ 31512-010»	1996	40 257 KAA	32842	17.01.2019 й.
11.	«УАЗ 31512-010»	1996	40 630 DAA	32753	17.01.2019 й.
12.	«УАЗ 31512-010»	1996	40 649 HAA	32754	17.01.2019 й.
13.	«УАЗ 31512-010»	1997	40 639 BAA	34362	23.01.2019 й.
14.	«УАЗ 31512-010»	1996	40 228 YAA	24371	28.01.2019 й.
15.	«DAMAS»	1999	40 759 HAA	36821	30.01.2019 й.

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Эътиқод кўчаси, 44-й.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

«Qashqadaryo Mulk markazi» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич очиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф қилади.

I. Савдога «Шўртан газ-кимё мажмуаси» МЧЖнинг 2018 йил 28 декабрдаги 094/7494-сонли буюртманомасига асосан, Яқкабоғ тумани, «Истиклол» МФЙ, Учтепа қишлоғида жойлашган «Шўртан газ-кимё мажмуаси» МЧЖга тегишли «YAKKABOV» VONA TEKS» МЧЖнинг 95,21 фоиз улуши такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 61 200 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2019 йил 12 февраль куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2019 йил 8 февраль куни соат 17.00.

Аукцион савдоси 2019 йил 12 февраль куни бўлиб ўтмаган ҳолатда ёки мулклар сотилмаган деб белгиланган тақдирда, такрорий савдо 2019 йил 28 февраль куни бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2019 йил 28 февралдаги савдо учун 2019 йил 26 февраль куни соат 17.00.

Савдога қўйилган, юқорида кўрсатиб ўтилган мулк билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закатал келишуви, закатал пули туланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда эса ишончнома тақдим қилинади. Савдо голиби деб топилган шахсга 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва мuddатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Савдога қўйилган мулкнинг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 1 (бир) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини савдо ташкилотчиси «Qashqadaryo Mulk markazi» МЧЖнинг «InfinBANK» АТБ Қашқадарё вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704942030003, МФО 01135, СТИР 302127131.

Аукцион савдолари ўтказиладиган манзил: Карши шаҳри, «Карликхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: 75-225-41-52. www.rmm.uz

Гувоҳнома 000494.

«Трастбанк» ХАБ
балансидаги (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани) кўчмас мулкнинг бозор баҳосини аниқлаш мақсадида мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилиши ҳақида эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим.

- Баҳолаш фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
- Ташкилот устави (барча ўзгартириш ва қўшимчалар билан);
- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- Баҳоловчи ташкилотнинг касбга оид жавобгарлиги суғуртаси полиси нусхаси;
- Баҳолаш ишининг бажарилиш мuddати ва тахминий нархи кўрсатилган тижорат таклифи;
- Лицензиялаш органи томонидан ўрнатилган тартибда баҳолаш ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларига берилган баҳоловчи сертификатларнинг нусхаси. Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари тикилган, конвертга солинган ҳолда ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Тижорат таклифларини 2019 йил 15 январь куни Тошкент вақти билан соат 16.00 гача қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин:
Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.
Маълумот учун телефонлар: 78-140-00-88, 71-244-76-47, факс: 71-244-76-61.

РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МЕТАЛЛ ПРОКАТ КУЙИДАГИ АССОРТИМЕНТДА ТОШҚИРТАДИ ОМБОРДА МАВЖУД:

РУХЛАНГАН ЎРАМЛАР
0,40 x 1250 — 9 800 000 сўм/тонна
0,45 x 1250 — 10 205 000 сўм/тонна
0,70 x 1250 — 10 040 000 сўм/тонна

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПЎЛАТ
RAL 3003, 3005, 3009, 6005, 8017
0,45 x 1250 — 12 690 000 сўм/тонна
RAL 3005, 6005, 8017
0,50 x 1250 — 12 535 000 сўм/тонна

ИССИҚ ПРОКАТДАН ҚИЛИНГАН ЛИСТЛАР
1,8 x 1000 x 2000 — 8 650 000 сўм/тонна
1,8 x 1250 x 2500 — 8 630 000 сўм/тонна
2,8 x 1250 x 2500 — 8 135 000 сўм/тонна

Шунингдек, буюртма бўйича ҳам ишлаймиз. Кенг асортиментда металл прокат. Тўлов шакли — нақд пулсиз.
E-mail: stal-invest@inbox.uz
Тел. 95-475-00-65

Махсулот сертификатланган.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси
Холмурод ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақида маълумотларни қўлаб оқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳриратга келган қўламлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мушаххис — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6